

ЧИГИТ ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ВЕРТИЦИЛЛИЁЗ ВИЛТГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ.

Ш.Ф.Алиев. АҚХИ ассистент, О.С.Рахматов. АҚХИ магистр,
Г.М.Солиева. АҚХИ талаба.

Пахтадан мўл ҳосил олишда қўлланилаётган янги технологияни тадбиқ этилишни фақатгина ғўзани тез ўсиш ва ривожланишига таъсир этибгина қолмай, балки соғлом ўсимликлар сонини ортишига олиб келади.

Олиб борилган тадбирлардан келиб чиққан ҳолда 2013-2014-йилларда Андижон кишлок хўжалиги институтнинг ўқув-тажриба хўжалиги шароитида чигитларни экиш муддатини соф экологик технологиянинг вертициллёз вильтига таъсирини ўрганишдан иборат бўлган дала тажрибаси олиб борилади.

Тажриба қуйидаги тартибда ўтказилади:

1. Вариант 20-март,
2. Вариант 30-март,
3. Вариант 1- парел қилиб олинди.

Тажриба Андижон-36 нави плёнка остига экиб, улар 4 қайтариқ, 3 вариантдан иборат бўлди. Барча делянкалар бир ярусда жойлашган.

Олиб борилган тажрибадан кўриниб турибдики, 1-июнда ўтказилган ҳисобларда барча вариантдон ёш ғўзаларнинг ўсув поясининг баландлиги бир-бирига яқин булган (1-жадвал), яъни 13,7-12,8 см гача бўлганлиги билан характерланади.

Аммо кейинги ойларда ўтказилган кузатувларда бу ҳолат бузилабошлади. 1-июльдаги маълумотларда энг баланд ўсув поясининг баладлиги 2-вариантдаги ғўзаларда кузатилди, бу вариантлардаги ғўзаларнинг ўсув шохининг баландлиги назорат вариантдаги ўсимликларга қараганда 5,2 см га баланд бўлган бўлса, VIII ойдаги кузатувда 30-март экилган вариантдаги ғўзаларнинг ўсув шохининг баландлиги назоратдаги

ғўзаларга нисбатан 14,5 см баланд бўлса, 3- вариантдаги ғўзаларга қараганда 6,6 см баланд бўлганлиги билан бирга ўсимликларда мева шохларининг тўпланиши.

2-вариантдаги (30-мартда экилган) ғўзаларда назорат вариантдаги ўсимликларга нисбатан 1,9 донага, 3-вариантдаги 1,1 донага кўп бўлган.

Шу билан бирга кўсак олиш ва тўплаш жараёни ҳам 30-мартда экилган вариантдаги ғўзаларда кузатилади.

1-жадвал

ЧИГИТНИ ТУРЛИ МУДДАТЛАРДА ЭКИШНИ ҒЎЗАНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.

№	Тажриба вариантлари	Ўсув шохининг баландлиги, см			Мева шохлар сони		Мева элемент сони	Мева элемент сони	Кўсак сони	Кўсак сарфи
		1.06	1.07	1.08	1.07	1.08	1.08	1.08	1.09	
1.	20-март	13.7	50.3	74.9	4.2	11.2	6.5	8.9	11.3	8.4
2.	30-март	13.0	61.5	89.4	5.1	13.1	7.6	10.3	13.6	9.7
3.	1-апрел	12.8	59.7	81.5	4.9	12.0	7.1	9.4	12.5	8.8

Мева элементларининг тўпланиш бошқа вариантларга нисбатан эрта муддатларда 2-вариантлардаги ғўзаларда юзага кела бошлаган. Шунинг билан бирга кўсак олиш ва тўпланиш жараёни ҳам 30-март экилган ғўзаларда кўп кўсаклар тўпланиши кузатилган. Бу вариантлардаги ўсимликларда кўсаклар сони 1-августдаги кузатувда назорат вариантдаги ғўзалар ўртача 8,9 донадан бўлган бўлса, 30-мартда экилган ғўзаларда эса бу кўрсаткич 10,3 донага, яъни 2,3 донага кўп бўлган. 3-вариантдаги ғўзаларда эса бу кўрсаткич 1,1 донага кам бўлган.

Бу шу билан ифодаланадики, чигитларни экиш муддатини аниқлашда фақатгина об-хавонинг қулай келиши ўсимли учун етарли бўлмай, балки

чигитларни плёнка остига экилганда вегетация даврида унга тадбиқ этилаётган истиқболли технологик жараёнлар катта ахамиятга эга бўлиб хисобланади. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ғўзаларнинг вертициллийез вилти билан касалланиши (2-жадвал) даставвал назорат вариантдаги ўсимликларда кузатилади, бошқа вариантлардаги ғўзаларнинг вертициллийез вилти билан касалланиши 15 кунга кечиккан.

2-жадвал

ЧИГИТ ЭКИШ МУДДАТИНИ ҒЎЗАНИ ВЕРТИЦИЛЛИЁЗ ВИЛТИ КАСАЛЛИГИГА ВА ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

№	Тажриба вариантлари	Кўчат қалинлиги	Хисобга олинган ойлар				Хосилдорлик, ц/га
1.	Назорат 20-март	103,5	2,1	7,9	21,3	39,9	30,1
2.	30-март	102,8	0	0,3	12,5	28,7	33,3
3.	1-апрел	103,2	0	0,5	10,7	30,6	32,5

30-мартда экилган 11,2 фоиз кам касалланиш назорат вариантга қараганда кузатилади. Олинган хосилдорлик 2-вариантдаги ғўзалардан бошқа вариантдаги ўсимликларга нисбатан 32 ц/га кўп пахта йиғиб, териб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, чигитларни плёнка остига экилиши унга қўлланилган экологик соф технология ғўзаларни фақатгина тез ўсиш ва ривожланишига таъсир этибгина колмай, балки уларнинг вертициллийез вилтига бўлган чидамлилиқ қобилиятини оширишга олиб келади.

Биз хисоблаймизки, табиий зарарланган майдонларни чигитларни плёнка остига экишнинг энг қулай муддати 30-мартдир, чунки бу муддатда экилган чигитлар тупроқдаги керакли иссиқлик энергиясини ва намликни қабул қилиб, қисқа давр ичида қийғос униб чиқади.